

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2026-yil 19-mart, payshanba

№ 12 (9384)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНКЛЮЗИВ ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОJЛАНТИРИШДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ЮҚОРИ БАҚОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатига БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича Бирлашган дастури (UNAIDS)нинг минтақавий директори Имонн Мерфи ташриф буюрди.




Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда UNAIDSнинг жаҳон миқёсида ОИВ инфекцияси янги ҳолатларнинг олдини олиш, ОИВга чалинган шахслар учун даволаш, парваришlash ва қўллаб-қувватlash хизматларини кенгайтириш, шунингдек, эпидемиянинг ижтимоий таъсирини камайтиришга доир фаолиятига эътибор қаратилди.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маруфова UNAIDSнинг Ўзбекистондаги фаолияти доирасида миллий соғлиқни сақлаш тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш, ОИТСга қарши курашиш дастурларини мониторинг қилиш ва баҳолашни такомиллаштириш ҳамда техник ва молиявий ресурсларни жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни қайд этди.

Имонн Мерфи Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, инклюзив қонунчиликни ривожлантириш, миллий қонунчиликни халқаро мажбуриятлар билан уйғунлаштириш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя, жамоат саломатлиги ва гендер тенгликни таъминлаш соҳаларида эришилаётган ютуқларни юқори баҳолади.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистонда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватlash ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини билдирди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.



Фоторассом китоби нашрдан чиқди

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳамда Журналистлар уюшмаси аъзоси, журналист, фоторассом Султонбой Деҳқоновнинг “Адабиёт ва ҳаёт” номли китоб албому чоп этилди.

Ушбу китоб албомда муаллифнинг замонавий ўзбек адабиёти ривожига ўзининг ранг баранг асарлари билан ҳисса қўшаётган элимиз суйган шоиру ёзувчилари, ёш қаламкашларнинг ижодига бўлган меҳр муҳаббати, эътирофи фотоҳикояларда бадий акс эттирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъдодли шоир Эшқобил Шукурнинг китоб албомнинг бадий аҳамияти, ўқувчиларга маънавий маърифий фойдаси ҳақидаги фикрлари китобдан ўрин олганлиги илқ таассурот уйғотади.

Китоб албом Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигининг ёрқин намунаси сифатида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли шоир Салим Ашур бадий муҳаррирлигида чоп этилди.



ИЛМ-ФАН ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

Бу жараён толали экинлар етиштиришда қанчалик самарали?

Бугунги тараққиёт замони ҳар жабҳага илм билан ёндашушни талаб этмоқда. Шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам. Энди уруғни ерга сочиб, кўчат ёки ниҳолни қадаб қўйишнинг ўзи билан иш битмайди. Эштиш парваришдан тортиб, ҳосилни йиғиб олишгача, ерни тайёрлашдан тортиб, суғоришгача – барча жараёнда илм зарур.

Бунга амал қилмаган деҳқон, боғбон, фермер ёки томорқачи ҳам вақт жиҳатдан, ҳам даромад нуқтаи назаридан ютқазиб қўйиши мумкин. Сабаби, бугунги тупроқ, табиат, экология ва бозор аввалгидай эмас. Шундай экан, қишлоқ хўжалигида юқори самарадорликка фақат илм ва инновация туфайли эришиш мумкин. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кейинги йилларда айна шу жиҳатларга катта эътибор берилаётганининг боиси шунда. Бунинг учун ҳуқуқий асослар мустаҳкамланяпти, етарлича шарт-шароитлар яратилган ҳаракат қилиняпти. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодиётида толали экинлар алоҳида аҳамиятга эга. Соҳада тармоқнинг салмоғи катта. Шу нуқтаи назардан табиий толаларни етиштириш ва ривожлантириш устувор вазифалар сирасига кирди.

Республикаимизда етиштирилаётган табиий толалар ранги, узунлиги, пишқлиги

ва бошқа сифат кўрсаткичлари билан халқаро стандартларга тўла мос келади. Бу унинг жаҳон тола бозорида харидорлигини таъминлайди.

Айтиш керакки, Президентимизнинг 2023 йил 15 декабрдаги қарори пахтачилик соҳасида янги босқични бошлаб берди. Негаки, ушбу ҳужжат асосида пахта ҳосилдорлигини ошириш, уруғчилик тизимини такомиллаштириш ва юқори сифатли тола етиштиришни кенгайтиришга қаратилган кўплаб вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, 2024 йил 1 январдан юқори ҳосилдор хорижий ғўза навлари ва дурагайлари тажриба-синов тариқасида жорий этишга руҳсат берилди. Натижада, дастлабки йили бундай навлар пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари майдонларининг 10 фоизигача қисмида етиштирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

“Бугунги шиддатли замонда илм-фан ва рақамли технологияларни эгаллаш билан бирга, ёшларимизнинг қалби ва онгида миллий ғурур, аждодларимизнинг муқаддас диний-маърифий кадриятларига садоқат туйғусини шакллантиришимиз шарт. Бу – миллий ўзликини англаш, келажак пойдеворини қуриш демакдир”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Рақамли асрда миллий руҳ: Аждодлар мероси ва маънавий янгиликаниш

Бугун инсоният тарихидаги энг кескин бурилиш нуқтасида турибмиз. Рақамли цивилизация нафақат турмуш тарзимизни, балки маънавий оламимизни ҳам трансформация қилмоқда. Шу шароитда “Биз киммиз?”, деган савол ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб, аждодларимизнинг диний-маърифий мероси рақамли уммонда қутқарувчи маёқ вазифасини ўтамоқда.

Миллий ўзлик ва маънавий ID

Глобаллашув ва сунъий интеллект асрида миллатлар ўз киефасини йўқотиш хавфи остида қолмоқда. Миллий ўзликни англаш бу шунчаки ўтмишнинг эслаш эмас, балки аждодларимиздан мерос бўлган маънавий генларни замонавий дунёқараш билан уйғунлаштиришдир. Акс ҳолда, миллат виртуал оламда шунчаки “алгоритмлар объекти”га айланади.

Рақамли дунёда миллий ўзлик бу “Маънавий идентификация” (Spiritual ID). Шу сабабли тарихий қўлёзмалар,

классик асарлар ва диний-маърифий мерос энди мобил иловалар, виртуал платформалар ва интерактив ўқув лойиҳалар орқали ёшлар билан учрашмоқда.

Ёшлар – тараққиёт ва маданиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи

Президентимиз шу йилнинг 24 февралда, ёшлар билан ўтказилган очиқ мулоқотда “Бизга ҳам дунё билан бўйлаша оладиган, ҳам ўзлигини, аждодларининг кимлигини унутмай-

диган ватанпарвар ёшлар керак”, дея таъкидладилар. Ёшлар мамлакатнинг энг катта конструктив ресурс бўлиб, “олтин авлод” сифатида янги саҳифаларни ёзишга қодир ва мамлакат келажакни шакллантиради. Республика ёшларига ўқиш, бизнес, технология ва инновациялар соҳаларида кўплаб имкониятлар яратилмоқда: инновацион мактаблар, технопарклар, онлайн таълим платформалари ва ёшлар форумлари орқали улар лидерлик ва ижодий фаолиятни ривожлантиради.

(Давоми 2-саҳифада)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Баҳорнинг ҳар лаҳзаси гўзал

Жаннатмонанд юртимизга ҳаммамизни соғинтирган фасллар гўзали – сўлим баҳор ташриф буюрди. Баҳорнинг дастлабки кунларидан қир-адирларга яшил гилалар тўшалиб, турли-туман гуллар очилди. Қишда мириқиб ухлаган дарахтлар қуртак ота бошлади.

Булунғур туманининг Ғўбдин тоғлари этагидаги қир-адирлардан иборат Бот-бот кишлоғига ҳам баҳор қулиб боқди. Қўм-қўк май-саларга бурканган қир-адирларда қўй-қўзилар чопқилаб, маърашиб ўтлаб юришибди...

Сўлим баҳор дастлаб фермер Ўлмас аканинг 7 гектарлик бодомзорига кириб келди. Биринчи бўлиб гуллаган бодомзордаги бодом дарахтлари атрофга ажойиб хид таратмоқда. Баҳорнинг илқ кўёш нуруларида асаларилар гуллардан тўйиб баҳра олмоқда. Кенг яйловда қўй-қўзилар боқатган чўпон

Абдурайим ака қўйларга ишора қилиб, бу қўйлар ака-ука иккаламзники, дейди қулиб. “Қўйларимиз эллик бош эди. Баҳор келиши билан бирин-кетин қўзилади. Шу сабаб бугунга келиб юз бошга етди”.

Раббим ҲОТАМОВ олган суратлар.

Ҳайит – қалблар покланадиган улўф кун

Ҳайит бу оддий байрам эмас. Бу кун сабрнинг мукофоти, ибодатнинг меваси, қалбларнинг покланишидир.

Рамазон ойи давомида мўмин банди очлик ва чанқоқликка сабр қилди, нафсини тийиб, гуноҳлардан йироқ бўлишга ҳаракат қилди. Кечалари ибодатларда қоим бўлди, кундузлари соим бўлди, Қуръон тиловат қилди, садақа берди ва ниҳоят, Аллоҳ таоло унга Ҳайит кунини ато этди – мукофот кунини сифатида.

Ҳайит кечирим ва меҳр-оқибат кунини. Кимдир сизни хафа қилган бўлса, кечиринг, ким биландир орангиз бузилган бўлса, ярашинг! Чунки Аллоҳ таоло кечирувчи бандаларини севади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам айтганлар: “Раҳм қилмаган кишига раҳм қилинмайди.”

Шундай экан, бугун қалбимизни ҳасад, ғазаб, адоватдан тозалайлик. Ҳатто китобларимизда икки мўмин бир бирдан гина адоватда бу дунёдан ўтиб кетсалар иккиси ҳам жаннатга кирмайди, дея огоҳлантирганлар. Яъни, мўмин-муслмон инсонлар уч кундан ортиқ гина сақлашлиги ҳалол эмас, дея бундан Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоху алайҳи васаллам биз умматларини огоҳлантирганлар.

Ҳайит – шукр қилиш кунини. Ҳайит кунини биз Аллоҳга шукр қилишимиз керак. Чунки У бизга соғлиқ берди, йимон берди, яна бир Рамазонни ўтказишга имкон берди.

Ҳар ким ўзидан сўрасин: мен бу Рамазондан қандай чиқдим, қалбим ўзгардим, гуноҳлардан қайтдимми?

Агар ижобий бўлса, бу Аллоҳнинг раҳмати, агар йўқ бўлса, ҳали имкон бор, тавба эшиги ёпилмаган. Энг катта исрофгарчилик бу умрни исроф қилишлик дейилган. Қисқагина умримиздан унумли фойдаланиб, икки дунёимизни обод этишликка ҳаракат қилмоғимиз керак.

Ҳайит – меҳр улашиш кунини.

Бу кунда камбағалларни, етимларни, ёлғизларни, қийналганларни, кўнгли ярим инсонларни эслайлик, уларни зиёрат қилиб, қалбларига, хонадонларига хурсандчилик, байрам шукруни олиб қирайлик Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло бир бандамнинг қалбига хурсандчилик олиб кирган, қалбини обод этган бандамга жаннатимни ваъда қиламан, дея хушxabар берган. Шундай экан инсонларнинг қалбига, хонадонига қувонч, хурсандчиликлар олиб қирайлик! Ҳеч бўлмаса, ширин сўзимиз билан икки дунёда ҳам саодатимизни зиёда этадиган улкан мукофотларга мушарраф бўлиш баҳтига шошилайлик!

Чунки ҳақиқий Ҳайит бошқаларга қувонч, хурсандчилик улаша олган кишиникидир.

Муҳаммадшокир БОБОҲЎЖАЕВ

Толали экинлар илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан пахта-тўқимачилик кластерлари тасарруфидоги пахта мозалаш корхоналарининг синов лабораторияларида чигитларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказилди

ИЛМ-ФАН ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

(Боши 1-саҳифада)

Бу эса деконларимизга тажриба тўплаш баробарида рақобатбардош, юқори махсуддор навларни танлаш имкониятини берди. Қолаверса, сўнгги йилларда жаҳон бозорига сифатли пахта толасига бўлган талаб тобора ошиб бораётганини инобатга олсак, мамлакатимизда хорижий селекция навларини илмий асосда ўрганиш, баҳолаш ва қўллаш давр тақозосидир.

Тажриба асосида республикамизнинг турли ҳудудларида Хитой, Туркия, Ҳиндистон ва Испаниядан келтирилган гўза навлари етиштирилади. Улар илмий лаборатория шароитида чуқур ўрганилиб, физик-механик хоссалари замонавий инструментал усулларда баҳоланади. Пахта толасининг микронейр кўрсаткичлари, юқори ўртача узунлиги, толанинг солиштира маъноси кучи, йиғирилувчанлик индекси ва бошқа кўрсаткичлар чуқур таҳлил қилиниди.

Навларнинг сифат кўрсаткичлари Толали экинлар илмий-тадқиқот институти илмий лабораторияларида олимларимиз томонидан синчковлик билан синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, пахта толасининг миллий навлари билан таққослаш ишлари ҳам амалга оширилиб, “Техтесно” тизимида инструментал усулда таҳлиллар бажарилди. Келтирилган барча намуналар ўзМСт 424:2024 стандарти бўйича таълаб олинди ва пахта толасининг хорижий навларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказилди. Ҳар бир намуна синовдан ўтказилди, таҳлил қилиниди, пахта махсудотларининг физик-механик хоссалари бўйича жадалвал ва диаграммалар тузилди.

Ўзбекистонга хориждан олиб келинадиган ўрта толали гўза навлари ва дурагайларига қўйиладиган талаб бўйича хорижий навларга 4-тип этиб белгиланган. Микронейр кўрсаткичининг меъёрдан юқори бўлиши талаб бўлганини ошганлигини аниқлади ва бу ҳолат тўқимачилик жараёнида илмий сифат хусусиятларига таъсир кўрсатиши мумкин.

2024 йил ҳосилидан келтирилган хорижий навларни типлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Беруний туманида Хуау Мин-52, Пахтакор туманида Xin Lu Zhong-52, Пайарик туманида Eliza (Туркия), Денов туманида Xin Lu Zhong-52, Сайхунобод туманида Навелла (Испания), Оқолтин туманида Xin Lu Zao-78, Мирзаобод туманида Xin Lu Zhong-55 ва Zhongtai-2, Янгибозор ва Хива туманларида Livzaga (Туркия) ва Богот туманида Eliza (Туркия) навлари юқори натижа берган.

Умуман олганда, барча навларда толанинг юқори ўртача узунлиги 30,0–31,5 мм ораллигида бўлиб, бу 3-тип ва ундан юқори тоифага мос келади. Энг юқори натижа Оқолтин туманидаги Xin Lu Zao-78 навида (31,5 мм) кузатилади. Бу кўрсаткичлар ушбу навларнинг тўқимачилик

лик саноати учун юқори технологик қийматга эга эканлигини кўрсатади.

2025 йил ҳосилидан таҳлил натижалари шунки кўрсатдики, Эликқалъа туманидаги Chuntay-66-36, Пешку туманидаги Zhongang SUO-88, Бухоро туманидаги Xin Lu Zhong-57 ва Xin Lu Zhong-52, Дўстлик туманидаги Chuntay-66-36, Ш.Рашидов туманидаги Xin Lu Zhong-57, Навбахор туманидаги Xin Lu Zhong-52, Юқоричирик туманидаги Novella, Янгибозор туманидаги Xin Lu Zao-87 ва Jin Kep-1402 хорижий селекция навларининг юқори ўртача узунлиги бўйича 3-тип ва ундан юқори бўлган навлар ҳам мавжудлигининг гувоҳи бўлди. Бу эса, ўз навбатида, юртимизга келтириладиган хориж навлари маълум бир ҳудуднинг тупроқ иқлим шароитига мос келишини белгилайди.

Толанинг микронейр кўрсаткичи бўйича 2024 йил ҳосилидан Амударё ва Нукус туманларида етиштирилган Xin Lu Zhong-52, Мирзақўл туманидаги Chuntay-2, Шахрисабз туманидаги Xin Lu Zao-78, Хатирчи туманидаги Xin Lu Zhong-52, Навбахор туманидаги Livzaga (Туркия), Пайарик туманидаги Eliza (Туркия) Денов туманидаги Xin Lu Zhong-52, Оқолтин туманидаги Xin Lu Zao-78, Мирзаобод туманидаги Zhongtai-2 ва Урганч туманидаги Xin Lu Zao-78 нави 5,2 кўрсаткичга эга бўлган.

Умуман олганда, барча ҳолатларда микронейр 5,1–5,5 ораллигида бўлиб, бу меъёрий диапазондан юқори эканлигини кўрсатади. Айниқса, Мирзаобод туманидаги Zhongtai-2 нави (5,5) энг юқори қийматини намоян этган.

2025 йил ҳосили бўйича Бухоро вилояти, Пешку туманида етиштирилган Zhongang Mian-88, Наманган вилояти, Норин туманида етиштирилган Xin Lu Zao-78, Xin Lu Zao-52, Уйчи туманидаги Xin Lu Zao-78, Тوشкент вилояти, Юқоричирик туманида етиштирилган Isitana, Хоразм вилояти, Қўшқўпр туманида етиштирилган Nesh-06 ва Богот туманида етиштирилган Eliza селекция навларининг микронейр кўрсаткичи меъёр диапазондан юқори эканлигини ҳамда Самарқанд вилояти Пайарик туманидан келтирилган Xin Lu Zao-78, Наманган вилояти Мингбулок туманида етиштирилган Xin Lu Zhong-52 селекция навларининг микронейр кўрсаткичи меъёр диапазондан паст натижани кўрсатади.

Туман ва селекция навлар кесимида ҳар бир навланинг микронейр кўрсаткичи бўйича таҳлиллар олиб борилганда, асарият навларда микронейр 4,0–4,8 ораллигида бўлганлигини, яъни тўқимачилик саноати талабларига мос келишини кўрсатади, лекин айрим навларда микронейр меъёрдан юқори (5,0–5,3) ёки паст (3,0–3,1) даражада кузатилади.

Микронейр кўрсаткичи бу толали ингичкалиги ва пишиб етилганлиги тавсифини белгилайди. O’z DSt 604:2016 стандарти бўйича ўрта толали пахтанинг 1 ва 2 навлари учун микронейр кўрсаткичининг асосий диапазони 3,5–4,9 чегарасида бўлиши белгиланган.

Толанинг микронейри 5 дан юқори бўлса йўғон ёки дагал тола ҳисобланади. Бу ҳолат тўқимачилик жараёнида илмий сифати пайасишига олиб келиши мумкин.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, толанинг солиштира маъноси кучи кўрсаткичлари навлар ва ҳудудларига қараб маълум даражада фарқ қилгани аниқланди. Мисол учун, 2024 йил ҳосилида солиштира маъноси кучи 25,6–32,1 cN/tex ораллиқда бўлган, энг паст натижани Юқоричирик туманидаги Xin Lu Zhong-52 нави ва энг юқори кўрсаткичи Пайарик туманидаги Eliza ва Мирзаобод туманидаги Zhongtai-2 навлари кўрсатади.

Таҳлил қилинган навлар мухтамамлиги бўйича 27–34,4 cN/tex гача бўлган ораллиқда ўзгарган. Энг паст натижани Эликқалъа туманидаги Xin Lu Zhong-52 нави қайд этган бўлса, энг юқори кўрсаткич Дўстлик туманида етиштирилган Chuntay 66-36 навида кузатилиб, 34,4 cN/tex ни ташкил этиди. Шунингдек, Эликқалъа туманидаги Chuntay-66-36 ва Бухоро туманидаги Xin Lu Zhong 57 навлари ҳам юқори мухтамамлик кўрсаткичларига эга бўлиб, мос равишда 31,9–31,8 cN/tex ни ташкил қилди.

Натижалар шунки кўрсатадики, тола мухтамамлигига навланинг генетик хусусиятлари билан бир қаторда, етиштириш шароити ва агротехник тадбирлар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Бир хил нав турли ҳудудларда турлича натижа бергани бу фикрни тасдиқлайди.

2024 йил ҳосилида толанинг узунлик бўйича бирхиллик индекси бўйича энг паст натижани Улуғнор туманидаги Xin Lu Zhong-52 79,5% ни, энг юқори натижани Сайхунобод туманидаги Navella ва Мирзаобод туманидаги Zhongtai-2 нави 85,2% фойз ни ташкил этиди.

Толанинг узунлик бўйича бирхиллик индекси (Uniformity Index – UI) кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, улар 83,1 фойздан 85,2 фойзгача ораллиқда ўзгарган. Ушбу кўрсаткич тола узунлиги барқарорлиги ва бир текис тақсимланганлигини ифода қилади. Толанинг бирхиллиги қанчалик юқори бўлса, тола сифат кўрсаткичлари шунчалик яхшироқ ҳисобланади. Бу борада энг юқори кўрсаткич Бухоро туманида етиштирилган Xin Lu Zhong-57 навида, 85,2 фойзини ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткич Пайарик туманида етиштирилган

махсудотларининг физик-механик хоссалари бўйича жадалвал ва гистограммалар тузилди.

Айтиш мумкинки, республикамизнинг айрим вилоятларида хорижий селекция навларининг пахта толаси намуналари таҳлил натижалари асосида микронейр кўрсаткичи юқори даражани кўрсатади ва микронейр кўрсаткичи метёрлари рухсат этилган тафовут бўйича яхши натижалар олинди. Таҳлил натижалари асосида Xin Lu Zhong-52, Xin Lu Zao-78, Eliza va Livzaga ва бошқа навларини республикамизнинг кўлаб вилоятларида етиштириш мумкин, деган хулоса берилди. Бизда етиштирилаётган хорижий пахта селекция навлари ўзбек пахтасига жуда ўхшаш. Улар асосида тўқимачилик саноатида сифатли ип-калага ишлаб чиқариш мумкин.

Тола узунлиги пахта хомашеси сифатини белгиловчи кўрсаткичлардан биридир. Тўқимачилик саноати ўрта толали пахта ва унинг юқори технологик сифатига катта эҳтиёж сезмақда. Пахта толасининг узунлиги ҳам турли омиллар таъсирида ўзгариши мумкин. Яъни тупроқ-иқлим шароитига, етиштириш агротехникасига, шунингдек, навланинг ўзига ҳо биологик хусусиятларига қараб ўзгаради. Илмий лабораторияда толанинг юқори ўртача узунлиги бўйича хорижий пахта навларининг бир неча тажрибалари ўтказилди ва улардан яхши натижалар олинди.

Ўзбекистонда етиштирилган хорижий навлар пахта толасининг юқори ўртача узунлиги кўрсаткичи баъзи навларнинг узунлиги 4 типга, баъзилари эса 5 типга мослигини кўриши мумкин.

Толали экинлар илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан пахта-тўқимачилик кластерлари тасарруфидоги пахта мозалаш корхоналарининг синов лабораторияларида чигитларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказилди. Минг дона чигитнинг массаси ва чигитларнинг механик шикастланиши ва бошқа кўрсаткичлари бўйича синов натижалари келтирилган.

Жорий йилда республикамизнинг барча ҳудудларида тола чиқишини ва бошқа сифат кўрсаткичлар бўйича тажрибаларни давом эттириш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий пахта навлари толасининг физик-механик хусусиятлари бўйича жаҳон бозори талабларига жавоб беради ва яхшиланиш тенденциясига эга. Уларни екиш, пахта мозалаш саноати фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширади. Дунё бозорига сифатли калава-ип ва тайёр махсудотлар билан чиқишида муҳим омил бўлади.

Кадам ЖУМАНИЗОВ,
Толали экинлар илмий-тадқиқот институти директори, т.ф.д., профессор.

Рақамли асрда МИЛЛИЙ РУҲ: АЖДОДЛАР МЕРОСИ ВА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ

(Боши 1-саҳифада)

Жамиятнинг маънавий ҳаёти мураккаб, ранг-баранг омиллар таъсирида шаклланади ва узлуксиз ривожланиб боради. Тараққиётнинг динамика хусусияти аслида маънавий ҳаётдаги янгиликлар ва ўзгаришлар орқали акс этади. Шунинг учун диний мероснинг жамият маънавий ҳаётига таъсири ва ундаги ўзгаришларни ўлчаш ҳар доим қийинчилик туғдиради. Муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистонда дунёвий давлат таъмоийлига амал қилина бошланди. Диний мерос ва миллий ўзлигини аниқлаш аънавийлик ва замонавийлик уйғунлиги таъминланади.

Рақамли асрда миллий мерос ва илм-фан уйғунлиги

Бугунги рақамли технологиялар аجدодлар меросини сақлаш ва тарқатиш учун қўлай майдон яратмоқда. Электрон кутубхоналар ва AR/VR лойиҳалар қадимий илмий муҳитини интерактив тарзда тақдим этади. Мобил иловалар ва аудиолекциялар орқали классик ва диний асарлар янги авлод билан учрашади. Онлайн таълим платформалари ҳадис ва фалсафа асосларини янги педагогик методлар билан ўргатади. Шу тариқа, илм-фан ва маънавият уйғунлиги ёшларни глобал саҳнада рақобатбардош, барқарор ва баркамол шахс сифатида тарбиялайди.

Рақамли асрда миллий руҳни сақлаш бу ўтмишни келажакга узлуксиз узатиш, диний ва маданий меросни замонавий асрга мослаштириш демакдир. Илмий чуқур бўлган даражта рақамли буронларга бардош бера олади. Миллий руҳ билан бойитилган билим ва технология ёш авлодни глобал саҳнада

Муваффақиятли қиладиган, барқарор ва баркамол келажак пойдеворини яратди. Миллий мерос, диний ва маънавий қадриятларни замонавий талаблар билан уйғунлаштириш Ўзбекистон келажagini муस्ताқамлашнинг энг самарали йўлидир. Бу жараёнда ёшлар нафақат илм-фан ва технология эгаси, балки ўз халқининг тарихини, маданиятини ва диний меросини қадрлайдиган, маънавий баркамол шахс сифатида етишади. Шундай қилиб, ҳар бир авлод миллий қадриятлар ва глобал билимни уйғунлаштирган ҳолда Ўзбекистоннинг юксалишига фаол ва маъсулиятли ҳисса қўшади. Миллий руҳга таянган, замонавий илм-фан ва технологиялар билан қуролланган ёшлар Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳал қилувчи кучидир. Чунки ўзлигини аниқлаган, тарихий хотираси муस्ताқам, маънавий иммунитетга эга бўлган глобал кутубхоналар ва AR/VR лойиҳалар қадимий илмий муҳитини интерактив тарзда тақдим этади. Мобил иловалар ва аудиолекциялар орқали классик ва диний асарлар янги авлод билан учрашади. Онлайн таълим платформалари ҳадис ва фалсафа асосларини янги педагогик методлар билан ўргатади. Шу тариқа, илм-фан ва маънавият уйғунлиги ёшларни глобал саҳнада рақобатбардош, барқарор ва баркамол шахс сифатида тарбиялайди.

Шахноза КИМСАНАБЕВА,
ТДАУ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси доценти.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ЎЗГАЛАР ҲАҚИДАН КЎРҚМАСЛИК ИНСОННИ ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАЙДИ

Тарбия шундай нозик жараёнки, унда йўл қўйилган бирозгина бепарволик, беписандлик инсон келажагига катта йўқотишга сабаб бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, издан чиққан бир инсоннинг ҳаёти бу унинг тарбиясига масъул бўлган катталарнинг кечаги хатосидир, аслида.

Тарбия бола жуда ёшлигидан унинг қалбига ҳалоллик, меҳнатқашлик, рост ўйлик, тўғрилик каби инсоний фазилатларни синдириш демак. Бу жараёнда вақтнинг аҳамияти жуда катта. Аммо афсуски, унинг ҳар дақиқаси олтинга тенг эканини йўқотилгандагина англаймиз...

Мингбулоқлик А.Д.нинг айтиши қирққа етай, деб қилган. Бу ёшда у нима ҳалолу нима ҳаром эканини ажратиб олиши керак. Лекин у бу ҳақда ўйлашдан кўра, ўзганинг мол-мулкига эга чиқишни афзал билди. Яъни, қасдан жиноят содир этиш йўлига кириб, ўғирликка қўл урди. Қулларнинг бирида маҳалла кўчасидан ўтиб бораётган, ҳовлилардан бирининг дарвозаси очиклигини кўради ва айриқонуний равишда хонадонга кириб, у ерда бўлган қора рангли аёллар сумкаси ичида бўлган 100 АҚШ доллари, 130 минг сўм пул, фуқаро Б.Д.га тегишли икки дона пластик карта ва фуқаролар паспортини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинди. Бу ҳақиқат билан у Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди ҳамда 227-моддаси 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятларни қасдан содир этди. Яна бир ҳолатда 1998 йилда туғилган О. Э. эса ўғирликни қаровсиз қолдирилган

Улуғбек АБДУВОҲИДОВ,
Мингбулоқ тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими маскатта терговчиси, катта лейтенант.

Пахтачилик

ШИНЖОН ТАЖРИБАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

Қишлоқ хўжалиги республикамиз иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, уни янада ривожлантириш бўйича ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Биргина пахтачилик соҳасини оладиган бўлсак, янги ҳақимий ёндашувлар асосида ҳосилдорликни ошириш, тармоққа илм-фан ва инновацияларни, уруғлик, нав танлаш, ўғитлаш ва сугоришда илгор агротехнологияларни жорий этиш, пахта хом ашёси етиштирувчиларининг даромадини оширишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “пахтачиликда илм-фан ва инновациялар, янгиликларни кенг жорий этиш, ҳар қарич ерни, ҳар томчи сувни юқори ҳосилга айлантириш йўлидан боришимиз шартлиги”ни давр тақозо этмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 15 декабрдаги “Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда ҳосилдорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига “2024 йил 1 январдан бошлаб ўсимликлар қарантини ва химюаси агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Пахтачилик кенгаши мутахассислари назорати остида тажриба-синов тариқасида юқори ҳосилдор хорижий гўза навлари ва дурагайларини олиб кириш ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари тасарруфидоги пахта экиладиган майдонларнинг 10 фойзигача жойлаштириш” вазифаси белгиланган. Маъзур таъкидлик иқтисодий таъминлаш мақсадига 2024 йил республикамизга Туркия, Хитой, Тожикистон, Ҳиндистон каби давлатлардан юқори ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тола сифати юқори гўза навлари уруғлари олиб келиниб, жами 94 минг гектар майдонга химюланган тартибда экиб, парварнишланди ва юқори ҳосил олишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 январдаги 43-сон қарорига ҳар бир вилоятдаги гўза ҳосилдорлиги паст майдонларга хорижий гўза навларини жойлаштириш, илгор агротехнологияларни қўллаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши уйғунлашган кураш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда томчилатиб сугоришда микромакро элементларни кенг миқёсда қўллаш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Жорий йилда республикамизнинг учта бир-биридан кескин фарқ қилувчи Шимоллий, Марказий ва Жанубий минтақаларидаги умумий майдонларнинг 20 фойзига 2024 йил ҳосилидан жамғарилган хорижий ва 20 фойзига маҳаллий гўза навларини



Пахтачилик кенгаши олимлари ҳамда хорижлик олимлар томонидан ҳосилдорликка асосланган агротехнология асосида экиш тавсия этилган. Бунда кўчат сони гектарига 220–240 минг дона, 76x10 схемادا кўшқатор ҳамда плёнка остига, томчилатиб сугориш усулини қўлланган ҳолда олиб борилди.

Жорий этиладиган Шинжон интенсив агротехнологиянинг афзалликлари шундаки, бунда бегона ўтларга қарши кўл чопиғи 2 мартагача қисқаради, яганалаш, чилпиш тадбирлари ўтказилмайди, қатор орасига ишлов бериш тадбирлари (культивация) 7 мартага, сугориш учун сув сарфи 50 фойзгача қисқаради, етиштирилган ҳосилни 1 октябрдан янгиб олиш имконияти пайдо бўлади. Гектарида каммида 60 центнер ҳосил олиниб, юқори иқтисодий самарадорликка эришилади.

Хорижий гўза нав ва дурагайларини парварнишладда чигит екишдан олдин ёки экиш жараёнида даланнинг бегона ўтлар билан ифлосланиш даражасига қараб Стомп 33% к.э. гербициди 2,0–4,0 л/га метёрда қўлланиса, чопик 2 мартага, ишчи кучи сарфи 35–40 фойзгача қисқаришига эришилади. Минерал ўғитлар (гранула)

томчилатиб сугориш шланглари орқали фертигация (сувда эритиш) усулида ҳамда NPK (суёқ ҳолатда) гўзани биринчи озиклантириш 3–4 чинбарг, иккинчи озиклантириш шоналаш ва гуллаш бошланиши даврида қўлланилади. Июль ойининг биринчи ўн кунлигига қадар йиллик ўғитлаш меъёрини якунлаш лозим.

Гўза вегетацияси давомиди, яъни 2–4 ва 5–6 чинбарг, шоналаш, гуллаш даврида 4–5 марта биостимулятор ва сувда эрувчан микроэлементлар мавжуд суёқ ўғитларни (таркибиди сувда эрувчан бор, молибден, рух, мис, темир, марганец, кобальт) қўллаш орқали озиклантириш тавсия қилинади. Вегетация даври мобайнида ўсимлик ҳосил шохлари бўгин ораллигини 3 см.дан оширмай 4–5-чинбарг даврида – 5–6 г., гуллаш даврида – 15,0–22,5 г., кўсақлаш ҳосил қилиш даврида – 45,0 г., кўсақлар очилишида – 100–120 г.дан Энгокеан, Сожеан, Еврожан ва бошқа ўсимлини бошқарувчи препаратларни сепиш гўзанинг мақбул ўсши ва ривожланишини таъминлайди.

Мамлакатимизда ўтган йили 135 та туманда 28 мингдан ортқ фермер хўжаликлари томонидан 875,6 минг гектарда гўза парвариш қилиниб, 4 млн. тоннага яқин пахта хомашеси етиштирилди. Жорий йилда 31 та районлашган, 20 га яқин хорижий ва 30 дан ортқ истиқболли ва янги гўза навлари экилди. Бунда илм-фан ютуқларига асосланган ҳолда, пахта етиштирувчи фермерлар ва кластерларнинг асосий эътибори серҳосил уруғ ва навларни танлаш ҳамда озиклантириш ва сугоришда инновацион технологияларни кенг татбиқ этишга қаратилди. Илмга асосланган агротехник тадбирларни қўллаш, мақбул 76 см. экиш схемаси жорий этилиши натижасида маҳаллий навлардан юқори ҳосил олинди. Султон, С-8290, Равнақ-1, Равнақ-2, Бухоро-102, Бухоро-10, Матонат каби маҳаллий навлардан гектаридан 50–60 центнергача ҳосил олинди. Шунингдек, “Шинжон тажрибаси” асосида 76x10 см. кўшқатор усулида хорижий навлар экилган майдонларда замонавий агротехнологияларни қўллаш орқали ҳосилдорлик 60–70 центнергача етказилди.

Xin Lu Zhong -57, Xin Lu Zhong -52, Xin Lu Zhong -78, Xin Lu Zhong -87 (Хитой), Nesh-06, Nath-109 (Ҳиндистон) каби хорижий навларнинг ҳар гектаридан 60–70 центнергача ҳосил олинди.

Пахта етиштирувчи фермерлар ва кластерлар томонидан илмга асосланган илгор



агротехнологияларнинг кенг жорий этилиши, уларнинг янгиликларга иштилоши натижасида 4 138 та фермер хўжаликлари 50 центнердан, 2682 та фермер хўжаликлари 60 центнердан 1 456 та фермер хўжаликлари 70 центнердан юқори ҳосил олишга эришилди. Жумладан, Шинжон технологияси асосида етиштиришда агротехник тадбирларга илмий асосда тўлиқ амал қилинган Анджион вилояти Олтинкўл тумани “Наврўз гулаши” фермер хўжалиги гўзани “XinLuZhong-52” нави 26,7 га қўшқатор 76 схема, 1 га. майдонда кўчатлар сони 200–230 минг туп бўлиб, ҳосилдорлик 70 ц/га, Фаргона вилояти Езёнов тумани “Mezon” фермер хўжалиги, гўзанинг “XinLuZao-78” нави 1 га. майдонда кўчатлар сони 200–250 минг тупда ҳосилдорлик – 65 ц/га, Жиззах вилояти Арнаш туманида хорижий навдан 90 ц/га, Сирдарё вилояти Сардоба тумани “Индорема Агро” МЖЧ, пахтанинг “Чунтай-2” нави, 76 схема, 1 га майдонда кўчатлар сони 200–230 минг туп, олинган ҳосилдорлик 65 ц/га олишга эришилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳосилдорликка асосланган агротехнологияга тўлиқ риоя қилинса, пахта майдонларида бегона ўтларга қарши чопик ўтказилиши, махсус сезилклар орқали экиш ҳосилдига аниқ кўчат олинди, сугориш ҳамда озиклантириш тадбирлари томчилатиб сугориш усулида бажарилиши ҳисобига кўл меҳнатини 80–85, трактор урушини 90 фойзгача камайитиришга, етиштирилган ҳосилни пахта териш машиналарида йиғиштириш олишга эришилди. Натижада, сарф-харажатлар камайдди.

Фироза ҲАСАНОВА,
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, к.х.ф.н., профессор, Икром КАРАБАЕВ,
етақчи илмий ходим, к.х.ф.н., профессор.

Biznesni Rivojlantirish Banki

NAVRŌZ

muborak bo'lsin!

www.brb.uz 1254

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХҲЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ВА ТАРКИБИДАГИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР ЖАМОАЛАРИ

юртдошларимизни,
шу жумладан, фидойи
ҳамкасбларини
муборак Рамазон ҳайити
ҳамда Наврӯз байрами
муносабати билан
самимий табриклайди.
Барчага эл-юрт равнақи
йўлидаги хайрли ишларда
омадлар тилайди.

ОБОД ЮРТГА ҚЎШ АЙЁМЛАР ЯРАШУР

Юртимизга баҳор келди. Кўклагга интиқ қалблар муборак ой – Рамазони шариф муносабати билан янада ўзгача сурурга тўлди. Шукроналик, сабр, меҳр-оқибатга чулғанди юраклар, қўшалоқ айём севинчи борлиққа ёйилди. Мамлакатимизда Рамазон ҳайити ҳамда Наврӯз байрами кенг нишонланмоқда.

Наврӯз – инсонийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва меҳнатсеварлик каби қадриятларни ўз ичига олган қадимий умумхалқ байрамларидан бири. Хонадонларда пиширилган Наврӯз дастурхонининг безағи – кўк сомса, кўк чучвара, ҳалим, сумалак ва бошқа таомлар танимизга дармондори бўлиш билан бирга, кўни-қўшниллар, қариндош-уруелар, дўст-биродарлар, меҳнат жамоалари ўртасидаги меҳр иштини янада мустаҳкамроқ боғланишига сабабчи ҳам бўлмоқда. Рамазон ойида ён-атрофдагиларга, беморларга, эҳтиёжмандларга улашилган эҳсонлар, кўрсатилган моддий ёрдамлар эса сумалаклар тортиғига улашиб кетади. Кексаларимиз Рамазон ойига ва баҳорга еткизганига шукр қилиб, йилнинг яхши, баракали келишини тилаб, дуолар қилишмоқда.

Бу йил Наврӯз нафақат баҳор фаслининг кириб келиш рамзи сифатида, балки халқимизни янада бирлаштириш, одамлар орасида меҳр-оқибат, саховат ва эзгу ниятларни тарғиб этишига янада кўпроқ хизмат қилмоқда.

Таъкидлашимиз керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳамжihatлик муҳитини, ижтимоий адолат таъминларини мустаҳкамлаш

йўлида улкан қадамлар ташланмоқда. Буларнинг барчаси қадимий тарих ва анъаналарга эга бўлган шарқона янги йил байрами – Наврӯзи оламнинг инсонпарварлик моҳияти, унинг бағрикенглик, саховат ва меҳр-оқибат каби азалий қадриятлари аҳамиятини янада юксалтирмоқда.

Халқимиз баҳорни озодлик, ободлик, фойз-барака билан кутиб олишга одаланган. Шу мақсадда республикаимизда шу йил 13-14 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида барча юртдошларимиз ўз ихтиёрлари билан иштирок этдилар. Тозаланган хонадонлар, кўчалар, корхона ва ташкилотлар, аҳоли яшаш манзиллари, таълим муассасалари, ерга қадалган ниҳоллар, гул кўчатлари, тартибга келтирилган дарахтлар – барчаси кўклаг ва Наврӯз тароватини янада ошириб юборди. Бу табиийки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшилликнинг ортишига хизмат қилди. Президентимиз “Менинг энг катта ниятим - ариқларимиздан яна тоза сувлар оқсин, келинларимиз, қизларимиз ўша ариқдан сув олиб, чой дамлаб ичадиган, болаларимиз маъза қилиб чўмиладиган кунларга яна қайтайлик. Бунинг учун табиатни асрашимиз, сувни исроф қилмаслигимиз керак”, дея таъкидладилар. Бу жуда эзгу фикр. У қалбимизда оғриқ бўлиб турган айрим муаммо ва ҳолат-

ларни фурсат кутмай, қалб амри билан бартараф этишимизга руҳлантиради. Зотан, Аллоҳ таоло бизга ином этган бу гўзал табиатни авайлаб-асраш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг шарафли бурчи.

Биз истиқомат қилаётган Норинкапа қишлоғида булоқлар кўп ва улاردан хозир ҳам бутун қишлоқ аҳли обихайётга қонади. Сўнгги йилларда саховатпеша инсонлар томонидан булоқлар атрофи бетонланиб, чиройли ҳолатга келтирилгани, сув олгани келган инсонларга осон бўлиши учун шароит яратилганини чуқур мамнуният билан таъкидлаш мумкин. Қолаверса, қишлоқнинг ўзига тўқ оилалари томонидан Рамазон ойи давомида ҳар кунги сахарлик вақтида ош дамланиб, тарқатилди. Бу хамюртларимизнинг хайр-саховат, мурувват туйғулари эъзозлашига бир далилдир.

Бугун бунёдкор халқимиз дуода. Кўклаг аввалидаги, қутлуг Рамазон ойи ҳамда ҳайит байрамида қилинган эзгу ниятлар ижобатига умидимиз катта. Қўшалоқ байрамлар ярашган Янги Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, тинчлиги абадий бўлсин, осуда, файзли ва тўқин ҳаётимизга асло кўз тегмасин!

Аброржон ТУРҒУНОВ,
Норин туманидаги “Ғойиб бува” жомеъ масжиди имом-хатиби,
Икромхон АБДУРАҲМОНОВ,
имом ноиб.



“ЎЗҲҲЛКҲПРИК” КЛАСТЕРИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ДАВЛАТ МУАССАСАСИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни, юртимизда
фаолият юритаётган чет эллик ҳамқорларимизни
муборак Рамазон ҳайити ва Наврӯз умумхалқ
байрами билан самимий қутлайди.
Янги Ўзбекистонимизнинг янада чирой очиши,
эртанги қунимизнинг фаровонлиги ва ободлиги
йўлидаги эзгу сaъй-ҳаракатларида улкан
муваффақиятлар тилайди.



Эълонлар

| | |
|---|---|
| 08-01/28586 рақами билан 2004 йил 3 февралда Аҳмедов Қазимхон Ганиевич номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. | 011-02/1497 рақами билан 1993 йил 4 февралда Абдульманов Мирхат Айсевиич номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. |
| 03-02/1261 рақами билан 1993 йил 4 январда Бобаева Матлуба Агзамхондоджаевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. | 05-02/11310 рақами билан 1993 йил 31 майда Зияев Шукржон Исмаилович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. |
| 06-01/938 рақами билан 1992 йил 9 декабрда Валиахметова Химия Нурсафиновна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. | 04-22/519 рақами билан 1993 йил 22 февралда Рыбаков Вениамин Павлович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордерининг 2021 йил 27 июлда берилган дубликати йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. |
| 22-05/1879 рақами билан 2020 йил 30 июлда Хайруллаев Ақром Хайрулла ўғли номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. | 0022965 рақами билан 2004 йил 23 февралда Аҳмедова Зумрат Маннаповна номига берилган 83ау сонли мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. |





TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI



Тошкент давлат аграр университети жамоаси

Барча юртдошларимизни, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларини, олимлар, миришқор деҳқонлар ҳамда муҳтарам устозларни муборак Рамазон ҳайити ва Наврўз байрами билан чин қалбдан табриклайди.

Озод ва обод Ватанимиз равнақи, эл-юрт манфаати йўлидаги эзгу ишларда барчангизга янги зафарлар ёр бўлсин, қўнғиллар олам-олам орзу-умидларга тўлсин, хонадонларингиздан қут-барақа аримасин!



“МИКРОКРЕДИТБАНК”
акциядорлик-тижорат банки жамоаси

юртдошларимизни янгиланиш, яшариш айёми –
Наврўзи олам
билан муборакбод этади.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, юртимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилайди. Қалбларингиздан шоду хуррамлик, хонадонларингиздан файзу барақа аримасин, азизлар!





Азиз юртдошлар!
Барчангизни кириб келаётган шарқона янги йил –
Наврўзи олам
билан муборакбод этар эканмиз, айни шу фараҳбахш лаҳзаларда юртимиз табиати, она заминимиз гўзаллигини асраб, авайлашдек шарафли ишларимиз билан юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётганимиздан ниҳоятда мамнунлигимизни ҳам билдириб ўтмоқчимиз.

Ушбу кутлуғ кунлар хонадонларингизга файзу барақа, дилларингизга олам-олам сурур бағишласин!

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ АГЕНТЛИГИ ЖАМОАСИ



Автомобиль ИИҚТБ жамоаси

Эзгулик, меҳр-оқибат байрами –
Наврўзи олам ҳамда Рамазон ҳайити
билан халқимизни, тизимда меҳнат қилаётган ҳамкасбларини, устозларни қизгин табриклайди. Аразу гиналар унутилиб, муҳтожлар ҳолидан хабар олиниб, кўплаб хайрли ишларга қўл уриладиган ушбу кунларда барчаларингизга соғлиқ-саломатлик, оилаларингизга тинчлик, хотиржамлик тилайди.


Qishloq hayoti**MUASSISLAR:**

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kompleks tarkibidagi hamda boshqa daxldor vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLUMURODOV,
Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi, qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.

Buyurtma G-317. 1860 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: Mərkəс YUSUPOV.

Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.
E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Bosishga topshirish vaqti: 21:00
Bosishga topshirildi: 19:00